

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРҚУЛ ЎҒЛИ**

**ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА САМАРАЛИ  
МУЛОҚОТНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УЎК: 342: 323. 001. (575.1)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) наук**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Мавлонов Журабек Ёркул ўғли**

Давлат ва халқ ўртасида самарали мулоқотни таъминлашда фуқаролик  
жамияти институтларининг ролини ошириш . . . . . 3

**Мавлонов Журабек Ёркул угли**

Повышение роли институтов гражданского общества в обеспечении  
эффективного диалога государства с народом. . . . . 25

**Mavlonov Jurabek**

Increasing the role of civil society institutions in providing an effective dialogue  
of the state with the people . . . . . 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛОНОВ ЖУРАБЕК ЁРҚУЛ ЎҒЛИ**

**ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА САМАРАЛИ  
МУЛОҚОТНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ  
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Siyos 16 рақам билан рўйхатга олинган**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sf-ik.uz](http://www.sf-ik.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

Муминов Алишер Гаффарович  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

Равшанов Фазлиддин Равшанович  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Тўйчиев Бердикул Тўрақулович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ирназаров Қудрат Тўғонович  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашининг 2019 йил 15 март соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (71) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100192, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (71) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Пахрутдинов Ш.И.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, сиёс.ф.д., профессор

**Мусаев О.Р.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фал. ф.д., доцент

**У.Ю.Идиоров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, сиёс.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ахборот технологияси ва коммуникацион тармоқларнинг жадал ривожланиши фуқаролик жамияти институтлари таъсирининг янада ортишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий-сиёсий муносабатларни демократлаштириш ҳамда фуқаролар ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги конструктив мулоқотнинг шаклланишини тақозо этади. Аммо, аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги, абсентеизм, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг доимо шаффоф эмаслиги, жаҳон ахборот маконида манипуляцион технологияларнинг мавжудлиги каби муаммолар фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий жараёнлардаги кенг иштирокига тўсқинлик қилмоқда.

Дунёда демократик жамиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бу давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги конструктив мулоқотнинг йўлга қўйилганлиги ҳамда жамоат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти идоралари билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш механизмларининг мавжудлиги ҳисобланади. Бу илмий жамоатчилик томонидан конструктив мулоқотнинг усул ва технологиялари ишлаб чиқилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда фаолият олиб бораётган бир қатор тадқиқот марказларида муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мулоқотнинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни амалга ошириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгини ўзгартириш ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш каби стратегик вазифалар кун тартибига қўйилди. Фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришга оид мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги тубдан ўзгарди, мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла ноёб фуқаролик жамияти институти сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди, жамоат ташкилотларининг давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш ҳуқуқий механизмлари яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда асосий эътибор жамиятни янгилаш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги демократик муносабатларни ривожлантиришга қаратилмоқда. Айнан шунинг учун 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди ва тегишли Давлат дастури қабул қилинган. Бу эса мазкур соҳадаги халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, миллий ва умуминсоний анъаналарни ўзлаштириш, илғор мамлакатлар ютуқларидан самарали фойдаланиш асносида фуқаролик жамиятини такомиллаштиришнинг оптимал йўл ва усуллари излаб топиш долзарблигини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги ПҚ-2851-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5633-сонли фармонлари ҳамда шу соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодийтни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Замонавий коммуникацион сиёсий технологиялар ишлаб чиқиш, уларни фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига жорий этишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Centre for Civil Society Studies at Johns Hopkins University, University of California, Harvard University (АҚШ), Centre for Civil Society at the London School of Economics and Political Science, University of Glasgow (Буюк Британия), Москва давлат университети ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш маркази, Санкт-Петербург давлат университети ҳузуридаги Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари тадқиқот маркази, Олий иқтисод мактаби ҳузуридаги Фуқаролик жамияти маркази (Россия), Seoul of National University (Жанубий Корея), Japan Institute for Civil Society (Япония), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг мулоқотлик имкониятларини тадқиқ этиш доирасида ўтказилган изланишлар янги методологик ва технологик натижаларни ишлаб чиқиш жараёнида ўз аксини топган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: фуқаролик жамияти институтлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг методологиялари ишлаб чиқилган (Centre for Civil Society Studies at Johns Hopkins University, Baltimore, Мэрилэнд, АҚШ); давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлик механизмлари очиб берилган (Harvard University, АҚШ); глобаллашув жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ижтимоий-сиёсий индекслари ишлаб чиқилган (Centre for Civil Society at the London School of Economics and Political Science, Буюк Британия); фуқаролик институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита

---

<sup>1</sup> [www.jhu.edu](http://www.jhu.edu), [www.ksg.harvard.edu](http://www.ksg.harvard.edu), [www.lse.ac.uk](http://www.lse.ac.uk), [www.glasgow.ac.uk](http://www.glasgow.ac.uk), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.artesliberales.spbu.ru](http://www.artesliberales.spbu.ru), [www.hse.ru](http://www.hse.ru), [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu), [www.jics.edu](http://www.jics.edu), [www.nimfogo.uz](http://www.nimfogo.uz), [www.dba.uz](http://www.dba.uz), [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz).

механизмлари асосланган (Москва давлат университети ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш маркази, Россия); сиёсий соҳада краутсорсингдан фойдаланиш механизмлари такомиллаштирилган (University of Glasgow, Буюк Британия ва Санкт-Петербург давлат университети ҳузуридаги Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари тадқиқот маркази, Россия); фуқаролик институтлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга оид илмий лойиҳалар ишлаб чиқилган (Олий иқтисод мактаби ҳузуридаги Фуқаролик жамияти маркази, Россия); демократлашув ва модернизация шароитида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш ташкилий ва ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилган (Seoul of National University, Жанубий Корея ва Japan Institute for Civil Society, Япония); фуқаролик жамияти институционал ва ноинституционал тузилмаларининг доимий мониторингини олиб боришга оид инновацион усуллар ишлаб чиқилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон); фуқаролик жамиятининг миллий ва хорижий ривожланиш назарияси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Фуқаролик жамиятига оид замонавий хорижий тадқиқотлар давлат ва фуқаролик жамиятининг таъсир чегаралари; фуқаролик жамияти институтлари шаклланиш ва ҳаракатланишининг ўзига хос хусусиятлари; уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини оптималлаштириш механизмлари; муайян давлатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини ўлчаш амалиёти, ижтимоий институтларнинг ривожланиш даражасининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан ўлчаш имкониятлари каби инновацион тенденциялар билан тавсифланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари<sup>2</sup> асосида тараққиёт «ўзбек модели»нинг амалга оширилиши, мамлакатимиз ҳаётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди<sup>3</sup>.

Антик ижтимоий фикрда фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий масалалари қадим замонлардаёқ ишлаб чиқилган. Мазкур даврда халқ ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги натижасида ўзаро келишув билан боғланган кўплаб кишилар уюшмаси

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 жилдлар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 - 2014.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш. М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

сифатида талкин қилинади. Ўрта асрларга келиб бундай қарашлар Аврелий Августин ва Фома Аквинскийлар томонидан ислоҳ этилди, уларнинг теократик ғоялари XVII аср охирларига қадар ҳукмронлик қилган.

Шарқда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий ва бош. асарларида фуқаролик жамияти билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ёритилган. «Адолатли жамият» ва «давлат бошқаруви» тушунчалари жамиятни адолатли бошқаришда мулоқотни ташкил этишнинг сабаб ва шароитларини очиб берган.

Ғарбий Европанинг фуқаролик жамиятига оид тушунчасининг замонавий анъаналари Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк асарларида шакллантирилди. Фуқаролик жамиятининг мумтоз назарияси илк бор Уйғониш даврида француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо ва америкалик файласуф Т.Пейн асарларида илгари сурилиб, И.Кант ва Г.Гегелнинг фалсафий асарларида узил-кесил шаклланди. Америкалик олимлар Г.Алмонд ва С.Верба асарларида фуқаролик жамиятининг замонавий тадқиқотлари акс этган. Уларнинг давомчилари Л.Пай, У.Розенбаум, Д.Каванаха, Д.Элазар, К. фон Бойме ва бошқалар фуқаролик жамиятининг демократиядаги ўрни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишган.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, социолог, тарихчи олимлар томонидан ўрганила бошланди. Хусусан, А.Бегматов, М.Бекмуродов, Т.Жўраев, С.Мамашокиров, Қ.Назаров, Ш.Пахрутдинов, А.Холбеков ва бошқа олимларнинг асарларида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг замонавий тушунчаси ва унинг тизимли таҳлилига асос солинди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланишининг назарий ва амалий масалалари О.Абдуазимов, Х.Бобоев, К.Джавакова, Т.Дўстжонов, Ш.Жалилов, А.Жалолов, Н.Жўраев, З.Исломов, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, М.Нишанов, Х.Одилқориев, А.Саидов, И.Толибов, Б.Тўйчиев, С.Хасанов ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

А.Азизхонов, Л.Ефимова, А.Жалилов, Р.Жумаев, С.Жўраев, Л.Левитин, Г.Муминов, А.Рахмонов, А.Утамурадов, Р.Ҳасанов, М.Шарифхўжаев ва бошқаларнинг асарларида фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида сиёсий, иқтисодий ва маънавий юксалиш жараёнлари тадқиқ этилган.

Бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва истикболлини таҳлил этишга бағишланган кўплаб илмий диссертацион тадқиқотлар амалга оширилмоқда. А.Абдумаликов, Г.Жамолова, Ф.Жўрақулов, У.Идилов, Т.Матибаев, Э.Муминов, С.Наркулов, М.Қирғизбоев каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидан<sup>4</sup>.

Бироқ, глобаллашув ва ахборотлашув шароитида сиёсий коммуникациялар нуқтаи назаридан фуқаролик жамиятининг мулоқотлик имкониятлари деярли ўрганилмаган. Шу боис ушбу тадқиқотда фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида давлат органлари ва фуқаролар

<sup>4</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.



ўртасида самарали мулоқотни таъминлашга доир замонавий сиёсий технологияларнинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг назарияси ва тарихини тадқиқ қилиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** давлат билан халқ ўртасида самарали мулоқотни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«сиёсий коммуникация» феноменининг моҳиятини очиқ бериш, унинг хусусияти ва таркибий тузилмаларини аниқлаш;

мулоқотни сиёсий коммуникацияларнинг таянч модели сифатидаги концептуал ва амалий характерини таҳлил қилиш;

фуқаролик жамиятига оид илмий тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг мулоқотлилик имкониятлари билан ўзаро боғлиқлигини асослаб бериш;

фуқаролик жамияти ҳақидаги тарихий ва замонавий концепцияларда демократлашувнинг мулоқот учун яратадиган имкониятларини ўрганиш;

глобаллашув ва ахборотлашув жараёнининг фуқаролик жамияти ҳақидаги анъанавий талқинларининг трансформациясига таъсирини кўрсатиш;

давлат органлари ва халқ ўртасидаги мулоқотни ташкиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирок этишининг замонавий инновацион сиёсий механизм ва технологиялари моҳиятини очиқ бериш;

мулоқот даражасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар холислигини таъминлаш учун фуқаролик жамияти институтларининг баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқишда ижтимоий мониторинг имкониятларини аниқлаш;

хориждаги фуқаролик жамияти институтларининг илғор тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиздаги меъёрий-ҳуқуқий ва дастурий-сиёсий ҳужжатларнинг таҳлили асосида «ҳокимият – фуқаро» мулоқот моделининг самарасини ошириш борасида Ўзбекистонда нодавлат ноижорат ташкилотлар, сиёсий партия ва ўзини ўзи бошқариш органлари каби фуқаролик жамияти етакчи институтларнинг иштироки ва фаоллигини ошириш учун концептуал-назарий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамиятга молик муаммоларни ечиш жараёнида фуқаролар иштирокини оширишда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқот ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** давлат ва халқ ўртасида мулоқот самарадорлигини ошириш борасида сиёсий жараёнлар субъектлари томонидан фойдаланиладиган сиёсий коммуникациянинг замонавий технологиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, кузатув, социологик тадқиқотларнинг иккиламчи таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«фуқаролик мулоқоти», «давлат – фуқаро» ва «давлат – фуқаролик жамияти институтлари – фуқаро» мулоқот модели тушунчаларининг замонавий мазмуни очиб берилган, фуқаролик жамияти глобаллашув ва ахборотлашув парадигмаларининг сиёсий-коммуникатив характери асосланган;

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни муҳокама қилиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш учун краутсорсинг технологияларни қўллашга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

фуқаролик жамияти институтлари самарадорлигини баҳолаш ижтимоий мониторинг методикаси ишлаб чиқилган;

миллий ННТ фаолиятини либераллаштириш орқали давлат ва ННТ ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

халқ ва давлат ўртасидаги мулоқотни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ижтимоий шериклик тўғрисида меморандумлар тузиш, ахборот таҳлилининг замонавий усулларида фойдаланиш, PR-технологияларни жорий қилиш, «йўл хариталаш» стратегиясидан фойдаланиш каби оптималлаштиришнинг инновацион механизмлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фуқаролик жамияти коммуникацион асосларининг политологик жиҳатлари тизимлаштирилиб, давлат бошқарув органлари ва фуқаро ўртасида самарали мулоқотни ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтиришнинг замонавий технология ва механизмлари ишлаб чиқилган;

ҳозирги даврда мамлакатимиз ривожига ва инсон манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти ўрни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини изчил амалга оширишга таъсир кўрсатадиган жамоат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш омиллари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ўтказилган социологик сўровлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан сиёсатшунослик, фалсафа, тарих, социология, фуқаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий ғоя

фанлари бўйича методологик ёндашувларни такомиллаштириш ва ўтказиладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган ёндашувлар давлат ҳокимияти идоралари, сиёсий партиялар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий фуқаролик жамияти институтлари коммуникатив имкониятларининг таҳлили доирасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

«фуқаролик мулоқоти», «фуқаролик жамияти институтларининг мулоқотлик имкониятлари», «давлат – фуқаролик жамияти институтлари – фуқаро» мулоқот модели каби тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши Шотландиянинг Глазго университети томонидан эътироф этилган (Шотландия Глазго университетининг 2018 йил 22 декабрдаги маълумотномаси). Мазкур тушунчалар фуқаролик жамиятининг замонавий сиёсий-коммуникатив масалаларини ўрганишда муҳим илмий аҳамият касб этиб, сиёсий технологияларнинг тармоқли характерини очиб беради ҳамда сиёсий фанлар соҳасида янги тадқиқотлар ўтказиш имконини бермоқда;

сиёсий партиялар фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга оид таклифлар асосида партиялар томонидан илгари сурилган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқишга оид замонавий, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган, сиёсий технологияларни қўллашга, мамлакатимиз партиявий тузилмалар ижобий имижини шаклланиши ва аҳоли томонидан сиёсий партияларга бўлган ишончнинг ортишига кўмаклашган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг 2018 йил 24 июльдаги 01-27/758-сонли маълумотномаси). Краутсорсинг асослари қўлланилиши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасига сиёсий партияларнинг экспертлари ва электоратнинг фаол вакиллари кенг жалб қилишга хизмат қилган;

фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ўзликни англаш жараёни мониторингини олиб бориш юзасидан илгари сурилган методик таклифлар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ахборот-таҳлилий фаолиятининг Комплекс дастурига киритилган ҳамда “Фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ўзликни англаш жараёни мониторинги”ни ўтказишда қўлланилди. (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 18 майдаги 03-190-сонли маълумотномаси). Мазкур методика мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтлари рейтингини шакллантиришда, уларнинг истиқболдаги ривожланиш “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва жорий этилишида кўмаклашди, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларга дахлдорлик ҳисси ва давлат билан халқ ўртасида мулоқот даражасини оширишга хизмат қилди;

мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, адлия, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ННТлар фаолиятини текширув жараёнининг шаффофлиги, муддат, шарт ва даврийлигининг аниқ тартиби ҳамда текширувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, ННТлар фаолияти устидан давлат назорати тизимини эркинлаштириш юзасидан таклифлар берилди (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциациясининг 2018 йил 3 августдаги 04-06/247-02-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар муҳим ижтимоий масалалар билан шуғулланадиган ННТлар фаолиятини кенг ёритиш учун кўмак механизмларини шакллантириш, аҳоли ўртасида кўнгилли ва хайрия ишларини оммалаштириш, ижтимоий реклама ва ижтимоий аудит билан шуғулланиш, давлат муассасаларига кадрлар танлаш ва давлат хизматига жалб қилиш жараёнида ижтимоий шериклик тизимини йўлга қўйиш каби механизмлардан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси амалиётида кенг фойдаланиб келинмоқда;

ижтимоий назорат механизмларини кенгайтириш ва унда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш хусусидаги таклифлар Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия фонди томонидан фойдаланиб, давлат ва фуқаролар ўртасида Республика Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши фаолияти самарадорлигини оширган ҳамда жамият ҳаётида маҳалланинг иштирокини кенгайтириш юзасидан янги ёндашувлар шаклланишига кўмаклашган (Республика Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг 2018 йил 13 сентябрдаги 02-01/493-сонли далолатномаси). Мазкур таклифлар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги меморандумлар тузиш, аҳоли билан ишлаш жараёнида замонавий PR-технологияларини амалиётга жорий қилишга хизмат қилиб, Республика кенгашининг минтақавий семинарлар ташкил этишда ўқув материаллари сифатида кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (11 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 233 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг

устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи амалга оширилган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Сиёсий коммуникация жараёнлари доирасида мулоқотни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида «сиёсий коммуникация» феноменининг тарихий ва замонавий асослари, тушунча, ғоявий анъана ва қарашлари очиб берилган, шунингдек, мулоқот сиёсий коммуникацияларнинг таянч модели эканлиги асосланган.

Сиёсий тадқиқот соҳаси экспертларининг фикрларига кўра, компьютерлаштириш ва кенг тарқалган ахборот тизимларининг пайдо бўлиши давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар коммуникацион асосларининг такомиллаштирилишини талаб этмоқда. Бу замонавий демократиянинг стратегик йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган. Замонавий тадқиқотларда сиёсий коммуникациялар масалаларига эътиборнинг ўсиши кузатилиб, у ҳозирги жамиятда ижтимоий-сиёсий институт ва жараёнларнинг янада демократлашуви учун сиёсий коммуникацияларнинг муайян салоҳияти мавжудлиги билан асосланмоқда.

Сиёсий коммуникациянинг кўриниши сифатида давлат ва халқ ўртасидаги мулоқот Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асоси сифатида кўрилади. Унда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни шакллантириш учун янги самарали механизм ва усулларни жорий қилиш, шу асосда халқнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Яъни, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш асосида мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш учун сиёсий коммуникация механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларни муҳокама қилиш ва ечишда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш ётибди.

Замонавий сиёсий коммуникациялар ҳақидаги тасаввурларнинг негизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Коммуникацияларни сиёсий таъсир этиш инструменти сифатидаги фикрлар антик даврда тилга олинган бўлиб, бу ҳақда бизгача етиб келган қадимги юнон ва рим манбалари гувоҳлик беради. Янги даврда матбуот ишининг кенг ёйилиши ва ривожланиши ҳамда эркин оммавий ахборот воситалари ғоясининг долзарблашуви натижасида «сиёсий коммуникациялар» тушунчасига доир турли концептуал ёндашувлар пайдо бўлиб, уларнинг таъсири бугунги кунларда ҳам сезилмоқда.

Сиёсий коммуникативистика деб ном олган сиёсий коммуникациялар соҳасидаги тадқиқотлар ижтимоий ва сиёсий фанлар тўқнашувида алоҳида,

нисбатан мустақил йўналиш сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг демократлашуви, янги ахборот технологиялари ва кибернетика назариясининг вужудга келиши билан чамбарчас боғлиқ.

Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мулоқот мураккаб ижтимоий феномен бўлиб, унинг хусусиятлари, тузилиши, тавсифлари кўп ишларда ёритиб берилган. Бироқ, диссертантнинг фикрича, эътиборимизни мулоқот жараёнини таҳлил қилиш политология фани учун муҳим, бу соҳада илмий изланишлар асосий йўналишларини белгилловчи тавсифларга эътибор қаратишимиз зарур. Бундай йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

мулоқотда субъектларнинг ўзаро тенглиги таъминланган бўлиб, у нафақат «давлат – фуқаро», балки «фуқаро – давлат» муносабатларини амалга ошириш имкониятининг мавжудлигини англатади;

мулоқот жараёни манфаатларнинг мувофиқлиги, муҳокама этиладиган масалалар юзасидан янги тасаввур, билим ва кўникмаларни шакллантиришни тақозо этади;

мулоқотнинг асосий натижаси унинг субъектлари томонидан муросага эришишдир.

Халқ билан мулоқот тизимини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар ҳақида тўхталар экан, муаллиф масалани “давлат – фуқаро ва фуқаро – давлат” шаклидаги икки асосий йўналишда таҳлил этишни таклиф этмоқда. Биринчи йўналишни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

мулоқотда иштирок этувчи барча субъектларнинг тенг манфаатларини бирдай амалга оширишни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги;

давлат ҳокимияти органлари билан мулоқотнинг йўлга қўйилганлиги;  
мулоқот жараёнини ташкил этилишининг очиқлиги ва шаффофлиги;  
давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг мурожаатларига тезкор жавоб бериши;

фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни ҳал этишдаги давлат хизматчиларининг тўғри қабул қилиши ва манфаатдорлиги;

маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишда марказий давлат органларининг бир қатор ваколотларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказилиши.

Иккинчи йўналишнинг характери эса қуйидагиларга боғлиқ:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш реал механизмларининг мавжудлиги;

ижтимоий муаммоларни ечиш жараёни устида назоратни амалга ошириш имкониятлари;

фуқароларда мамлакатда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги ҳамда унга бўлган муносабати;

аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фуқароларнинг ижтимоийлашув даражаси;

давлат томонидан аҳолига тақдим этилаётган хизматларнинг муддати, нарҳи ва сифатидан қаноатланганлиги;

фуқаролик жамияти институларининг давлат ва хулқ ўртасидаги мулоқот жараёнида иштироки.

Шунинг учун, диссертантнинг фикрига кўра, **давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқот** субъектларнинг икки ёки кўп томонлама ҳукумат ва жамият ўртасида ўзаро тушуниш, умумий манфаатларни излаш ва аниқлаш, ижтимоий қарашларни шаффоф шакллантириш, манфаатларни артикуляциялаш, ихтилофларни бартараф этиш, субъектлар ҳаракатининг назорат қилиш, вазиятни оммавий муҳокама орқали англаш учун истикболга қаратилган ҳукукий-меъёрий, ташкилий-сиёсий ва профессионал-бошқарув қарор ва тадбирларни уюштиришга қаратилган делибератив характерга эга ўзаро ҳаракатни тушуниш керак. Анъанавий «давлат – фуқаро» мулоқот модели механизмларини такомиллаштириш мақсадида муаллиф «давлат – фуқаролик жамияти институтлари – фуқаро» ўзаро қайта алоқа моделини таклиф этиб, бу ерда фуқаролик жамияти институтлари турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалувчи восита сифатида иштирок этади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида мулоқот жараёнларига оид илмий тассавурлар генезиси**» деб номланган. Унда фуқаролик жамиятига оид концептуал ёндашувларнинг манбалари очилиб, у сиёсий жараённинг турли субъектлари ўртасида мулоқотни шакллантиришга кўмаклашадиган ижтимоий макон сифатида таҳлил қилинган ҳамда фуқаролик жамияти институтлари мулоқотлик даражаси генезисининг асосий йўналишлари юзасидан муаллифлик талқини кўрсатилган.

Бошқарув тизимида фуқаронинг роли ва ўрнини аниқлаш масаласи фуқаролик жамияти антик парадигмасининг асосини ташкил этган. Афлотун, Арасту, Цицерон асарлари фуқаролик жамияти ғояларини янада батафсил ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фуқаролик жамияти фақат Ғарб цивилизацияси маҳсули эканлиги ҳамда бугунги кунда унинг ютуқларини акс эттираётганлиги борасидаги фикрлар асоссиздир. Зардуштийлик тамойилларининг таҳлили, шунингдек, Марказий Осиё қомусий олимлари томонидан яратилган асарларнинг мазмуни ҳам буни тасдиқламоқда. «Авесто»да, шунингдек, ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккирлари Абу Наср ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ибн Рушд ва бошқа олимларнинг асарларида баён қилинган ўзига хос ғоялар кўп жиҳатдан фуқаролик жамиятига ўхшаш адолатли жамият тўғрисида нафақат мустақил концептуал ғоялар, балки фуқаролик жамиятини тушунишда ўзига хос анъаналар мавжудлигини аниқлашга имкон беради, буларда фуқаролик жамияти эзгулик нуқтаи назаридан талқин қилинади, ижтимоий-сиёсий тафаккур эса эътиборни жамият ва давлат ҳукмдорларининг ўзаро муносабатларига қаратади.

Инсоният тарихида Янги давр фақат жамиятнинг янги қатламлари шаклланиши эмас, балки яҳлит инсон жамиятдан унинг тузилмалари (сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳ.к.) ажралиб чиққанлиги, шунингдек, давлат, фуқаролик жамияти ва фуқаро ўртасида зиддиятлар мавжудлигининг табиий

эхтимоли борлигини англаш билан характерланади. Н.Макиавелли, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Л.Монтескье, А.Фергюсон, Ж.-Ж.Руссо, К.Гельвеций, П.Гольбах, Д.Дидро, Т.Пейн, Э.Берк, И.Кант, Г.Гегель ва бошқа қатор мутафаккирларнинг концептуал қарашлари Янги даврда, энг аввало, давлатнинг мулоқот ролини қайта англаш юз берганлигидан далолат беради. Агар антик давр ва ўрта асрларда ижтимоий-сиёсий фикр давлат ҳукмронлигига йўналтирилган бўлса, ушбу тарихий босқичда ўз ҳуқуқлари, манфаат ва эҳтиёжларига эга бўлган шахс (фуқаро) биринчи ўринга чиқади, бу давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Диссертацияда мустабид даврдаги Туркистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурни, хусусан, фуқаролик жамиятининг зарур унсури сифатида маърифий қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган жадиждларнинг ғояларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. М.Бехбудий, А.Авлоний, А.Фитрат сингари мутафаккирлар ўз давридан илгарилардан ҳолда нафақат маърифатли, балки мустақил давлатда фуқаролик жамияти барпо этилиши мумкинлиги борасидаги хулосага келганлар. Анъана ва одатлар демократлаштириш йўлидаги тўсиқ эмаслиги борасидаги фикр жадиждларнинг муҳим кашфиёти сифатида баҳоланмоқда. Аксинча, мавжуд анъаналар доирасида амалга ошириладиган модернизациялаш барқарор тараққиёт ва фуқаролик жамияти барпо этиш, унинг мулоқотлилиқ имкониятларини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай ғоялар Ғарб жамиятшунос олимлари томонидан фақат XX асрнинг 70-йилларига келиб шаклланганлигини таъкидлаш жоиз.

XX асрдаги тадқиқотларда «фуқаролик жамияти» категориясининг моҳияти ва функционал хусусиятларини тушуниш мураккаблашганлиги, бу эса халқ талабларини ифодаловчи сиёсий реалликни акс эттирувчи янгича мезонлар фуқаролик жамиятини тадқиқ қилиш методологиясига киритилганлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамияти концепцияси ривожда унинг демократия доирасида амал қилиниши энг муҳим йўналиш ҳисобланади. Диссертант томонидан амалга оширилган бир қатор олимлар ёндашувларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, демократия ва фуқаролик жамияти, қатор муаллифлар таъкидлаганидек, ўз мазмунига кўра ўхшаш эмас. Уларни назарий жиҳатдан фарқлаш зарур, чунки умумий маънода демократия давлат бошқарувининг сиёсий усуллари, восита ва меъёрлари йиғиндиси бўлса, фуқаролик жамияти – аҳолининг манфаатларига урғу бериладиган ва умумлаштириладиган жамият.

XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошларида глобаллашув таъсирида ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ахборотлашуви кучая бошлади, бу воқеликнинг виртуаллашуви ва дунёнинг замонавий илмий тасаввури ҳамда умумилмий тадқиқотларни қайта кўриқдан ўтказиш асоси сифатидаги ахборотлашган ёндашувнинг шаклланишида ўз тасдиғини топди. Коммуникатив ўзаро ҳаракатлар усули ва уларни амалга ошириш шакли



сифатидаги ахборотлашган муносабатларнинг устуворлиги бугунги кунда янада яққолроқ намоён бўлмоқда.

Ахборотлашган жамиятда фаол ва нофаол фуқаролар сони ўртасидаги нисбат, фуқаролик жамияти етакчилари ва унинг оддий аъзолари ўртасидаги муносабатлар кўринишини ўзгартириб қолмасдан, демократик қирралардан давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни шакллантиришда янада кенгроқ фойдаланишга хизмат қилади.

Диссертант томонидан мулоқотлилик имкониятлар нуқтаи назардан фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишини кўйидаги даврларга ажратилиши таклиф этилмоқда:

Биринчи давр – давлат ва фуқаролик жамияти манфаатларининг идентификацияси (антик ва диний парадигмалар доирасида);

Иккинчи давр – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги дихотомияси (мумтоз парадигма доирасида);

Учинчи давр – давлат бошқарув органлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик (тизимли, глобаллашув ва ахборотлашув парадигмалари доирасида).

Диссертациянинг учинчи – **«Фуқаролик жамияти давлат ҳокимияти институтлари билан мулоқот жараёнида замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш масалалари»** бобида нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат ва фуқаро ўртасида самарали мулоқотни амалга ошириш ғоясини оммалаштириш, давлат ва халқ ўртасида ўзаро тенг ва фойдали муносабатларни шакллантириш, муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларида фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга кўмаклашадиган замонавий ва истиқболли сиёсий технологиялар кўриб чиқилган.

Муайян масалаларни ҳал қилиш жараёнида давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида қайта алоқалар оптимал механизмларининг мавжудлиги фуқаролик жамияти самарадорлигини оширишга эришиш учун муҳим жиҳатдир. Шунингдек, PR-технологиялар нафақат давлат бошқарувининг транспарентлигини юксалтиради, балки фуқароларнинг давлат бошқаруви органларига нисбатан назорат вазибаларини кучайтиришга ҳам таъсир қилади. Айнан жамоатчилик назоратининг мавжудлиги қабул қилинган бошқарув қарорларини амалиётга жорий этишнинг муҳим омилдир. Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, жамоатчилик назоратининг оптимал механизмларини ишлаб чиқиш давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш учун муҳим унсур ҳисобланади, чунки айнан жамоатчилик назорати нафақат давлат бошқарувининг транспарент тизимини вужудга келтиришига, балки жамият олдида давлат хизматчилари масъулиятини оширишга кўмаклашади.

Диссертантнинг таъкидлашича, XXI асрда жаҳон ҳамжамятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг шаффоф ва очиқ фаолиятига фуқароларнинг талаблари ошган. Дунёнинг турли мамлакатларида давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида, жумладан,

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш учун аҳоли билан онлайн мулоқотнинг турли шакллари жорий этилган. Жамоатчилик муҳокамалари давлат бошқарувининг турли соҳаларида қўлланиб келинмоқда. Краутсорсингнинг самарали қўлланилиши фуқароларни ўз минтақаларидаги ўзгартиришларга қаратилган ишларга жалб қилишга кўмаклашади.

Давлат органларининг халқ билан мулоқот қилиш жараёнини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишнинг муҳим омиллари муаллиф томонидан қуйидагича кўриб чиқилган:

ижтимоий ҳамкорлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда меъёрий-хуқуқий базанинг мавжудлиги;

давлат ва фуқаролик институтларининг тадбирларни ўзаро ҳамкорликда ташкил этиши ва ўтказиши;

жамоат кенгашларининг мавжудлиги ва улар тўлиқ шаклда фаолият юритиши;

иштимой буюртма тизими ва ижтимоий таъминот институтининг ривожланганлиги;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат грантлари ва бошқа дастурларидаги иштироки;

ижтимоий тадбиркорлик тизимининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши;

фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг бошқарувдаги (ёки муҳим) қарорларни экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш жараёнига жалб этилганлиги;

фуқаролик жамияти институтлари вакиллари давлат ҳокимияти органларига саралаш механизмнинг мавжудлиги.

Хорижий илмий ҳамжамиятда фуқаролик жамиятини индекслаштириш борасида олинган назарий конструкция ва амалий натижаларнинг таҳлили Ўзбекистонда шундай тадқиқотларни ташкил этиб, ўтказиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади. Айрим амалий тадқиқот лойиҳаларнинг шарҳи илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида нафақат оригинал хулосаларга келиш мумкинлиги, балки давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзига хос амалий моделларини шакллантириши мумкин. Бошқа томондан, мазкур тадқиқотлар тажрибасидан фойдаланиш ёш, шакллантириш босқичидаги фуқаролик жамияти институтларига «давлат – фуқаролик жамияти – фуқаро» модели доирасида ўз манфаатларини умумлаштириш ва илгари суриш юзасидан самарали механизмларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Давлат ва фуқаролар ўртасида мулоқотни ташкил этишда Ўзбекистондаги етакчи фуқаролик жамияти институтларининг иштироки: ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган якуний тўртинчи бобида фуқаролик жамияти институтлари ролини оширишнинг асосий йўналишлари ёритилган, нодавлат сектор фаолиятининг самарасини юксалтирадиган таянч тамойил ва қоидалари ажратилган, шунингдек, янгиланиш даврида Ўзбекистон олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг демократик салоҳиятини руёбга чиқариш имкониятлари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларидаги ривожланишининг сиёсий таҳлили давлат ва фуқаролар ўртасидаги мулоқот динамикасини икки босқичга бўлиш имконини беради:

Биринчи босқич мамлакатимиз мустақил ривожланишининг 1991 йилдан 2016 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, унда:

давлат бошқарувининг эски маъмурий тизимини ислоҳ қилиш;

демократия тамойилларига асосланган янги сиёсий институтларни шакллантириш;

давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Конституция ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши;

давлат бошқарув органлари фаолияти ва жамият қурилишини такомиллаштириш орқали жамият ҳаётини ижтимоий-сиёсий либераллаштиришга бўлган ҳаракатлар;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, ижтимоий ҳамкорлик ва давлат ҳокимияти органлари очиқлиги тизимини шакллантириш мақсадида қонунчилик базасининг яратилиши ҳамда фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кучайтиришни назарда тутувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши.

Умуман олганда, мамлакатимиз ривожланишининг мазкур босқичида мулоқот муносабатларининг формал, яъни юзаки ташкил этилгани, амалда эса давлат ва фуқаро ўртасидаги сиёсий мулоқотни амалга оширишнинг аниқ механизмлари мавжуд бўлмаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун Ўзбекистон давлат ва халқ ўртасида мулоқот ўрнатилишининг янги босқичи, яъни 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши билан бошланган даврда яшамокда.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили асосидаги давлат – фуқаро муносабатларининг янги парадигмаси мазкур тизимнинг тубдан такомиллаштирилишига сабаб бўлди. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг кенг оммада муҳокама этилиши ва қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида халқимизни ўйлантриб келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг такомиллаштирилиши бугун янгиланиб бораётган ўзбек жамиятининг тимсолига айланди. Шу билан бирга, замонавий Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифалардан бири фуқаролик жамияти институтларини давлат ҳокимияти органлари ва халқ ўртасидаги мулоқот самарадорлигини ошириш жараёнига жалб этишдан иборат.

Замонавий демократия тимсолига айланган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) давлат ва халқ манфаатлари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминловчи муҳим фуқаролик жамияти институти сифатида умумэътироф этилган. Улар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан конструктив муносабатда бўлишни таъминлайди, жамият ва давлат ўртасида

самарали қайта алоқаларни ташкил этишда иштирок этади, аҳоли турли қатламларининг воситачи сифатида иштирок этиши орқали жамиятдаги манфаатлар мувозанатини таъминлашга сезиларли ҳисса кўшади, одамларнинг фаровонлигини ошириш, жамиятда фуқаролик яқдиллигини мустаҳкамлаш учун ижтимоий-иқтисодий, жамоат, гуманитар соҳаларнинг долзарб масалаларини ечишда аҳоли фаоллигини оширишга хизмат қилади.

